



“ШИМОЛ ОДИССЕЯСИ” (AN ODYSSEY OF THE NORTH) ҲИКОЯСИДА РОВИЙ ОБРАЗИ ВА МЕТАФОРА

Толипова Аида

ТТЕИ таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10891528>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 11-yanvar 2024 yil

Ma'qullandi: 14-yanvar 2024 yil

Nashr qilindi: 17-yanvar 2024 yil

KEYWORDS

ҳикоя, образ, муаллиф-ровий,
нутқ, метафора, бадий
тасвирий восита.

ABSTRACT

Тезисда АҚШ ёзувчиси Жек Лондоннинг “Шимол Одиссеяси” (An Odyssey of the North) ҳикоясида муаллиф-ровий образи ва унинг нутқида кўп ишлатилган тасвирий воситалардан бири бўлган метафора ҳақида сўз юритилади. Илгари сурилаётган ғояга Аристотель ҳамда замонавий инглиз олимларининг илмий-назарий қарашлари методологик асос сифатида олинган. Ёзувчининг асари асл матндан таржима қилиниб, таҳлилга тортилган.

Маълумки, Жек Лондон яратган образлар ва улар билан боғлиқ воқеалар ривоя қилинишида метафора кўп ишлатилган. Айнан шу хусусият ёзувчи ҳикояларидаги бадий таъсир кўлами кенглигини ҳамда ёзувчи ижодий маҳорати етуқлигини таъминловчи омил бўлган дейиш мумкин. Чунки “Метафора бир нарса орқали бошқасини ифодаловчи нутқ шакли саналади. У бадийнинг асосий воситаси бўлиб, унда таққослаш, яширин ўхшатиш асосланиб, улар аниқ ифодаланади” [2, 432]. Шу маънода Жек Лондон яратган “Шимол Одиссеяси” (An Odyssey of the North) ҳикоясидаги муаллиф ровий сифатида оламни кузатар экан, ундаги ҳар бир детални, аниқ тасвири ўзи англаган, тушунган иккинчи бир восита орқали ифодалади. Бу эса унинг ҳикояларига, жумладан мазкур асарига ҳам бадийлик бағишлайди.

Бундан ташқари, ёзувчи ҳикоялари тили бадий тасвирий воситаларга бойлиги, гап қурилиши ҳам мураккаброқ эканлиги билан ажралиб туради. Бу аслида воқеликни бадий идрок қилиш натижасида ёзувчида туғилган эпик кечинма таъсири бўлиб, ана шу жараёнда ижодкорнинг бадий маҳорати намоён бўлади. Хусусан, унинг “Шимол одиссея”да ўзи Аляска ва Канада ҳудудларида юрган пайтидаги табиат тасвири, айниқса, тундра ва Арктика бойлик изловчилар, шимолнинг туб аҳолиси тасвирининг берилиши ёзувчи тилининг жозибасини намоён этган. Буни қуйидаги парча мисолида исботлаш мумкин:

“The sleds were singing their eternal lament to the creaking of the harness and the tinkling bells of the leaders; but the men and dogs were tired and made no sound.

The trail was heavy with new-fallen snow, and they had come far, and the runners, burdened with flint-like quarters of frozen moose, clung tenaciously to the unpacked surface and held back with a stubbornness almost human”. [1, 92]

(Чанани тортганча ўзларининг дилни эзувчи қўшиқларини куйлашар, абзални ғижирлатишар, йўлбошловчи итлар бўйнидаги қўнғироқ ҳам жиригларди, аммо ит ва одамлар ҳолдан тойган бўлиб, чурқ этмай боришарди. Улар узоқдан келишмоқда, яқинда ёққан қордан кейин сўқмоқдаги қор ҳали топталмаганди, музлаган буғу гўшти ортилган аравалар инсон қатъиятига қарши курашаркан, юмшоқ қордан қийинчилик билан юрарди).

Мазкур парчада муаллиф Арктика кенгликларида кетаётган одамлар ва уларнинг итлар қўшилган карвонини тасвирларэкан, уларга метафора, эпитет, ўхшатиш, солиштириш каби услубий воситаларни сингдирган. Таҳлилдан англаш мумкинки, итларнинг увиллаши, етакчи итлар бўйнидаги қўнғироқ овози, кишилар ва итларнинг ҳолдан тойгани ёки юмшоқ қорнинг чананинг юришини оғирлаштириши бевосита ровий образининг нигоҳи орқали бериларди. Шундай қилиб, истеъдодли ёзувчи Жек Лондоннинг ижодий қарашлари орқали совуқ Арктика образи ҳамда у ерда яшаётган кишилар ҳаёти билан янада ёрқинроқ тасвирларда танишиш мумкин.

Аслида асарни “Шимол Одиссеяси” дейишда ҳам метафора бор. Яъни Шимолда, инсон яшаши учун имконият деярли йўқ бўлган муҳитда, катта жасорат кўрсатиб яшовчи кишиларнинг бошидан кечирганлари, улар тушиб қолган вазият, образларнинг бундай муҳитдаги ўй-фирклари, характеридаги қатъиятини юнон антик ижодкори Ҳомернинг “Одиссея” достонидаги қаҳрамонликларга ўхшатилади. Демак, ёзувчи сарлавҳадан бошлаб, метафорага катта эътибор қаратган. Бу эса ўз навбатида ҳикояда баён тарзида ўз ифодасини топган. Масалан, куйидаги парчада Англия қироличасининг хизматида бўлган одамлар ҳақида сўз боради: “They drove the dogs of the Queen, wrought fear in the hearts of her enemies, ate of her meager fare, and were happy. They had seen life, and done deeds, and lived romances; but they did not know it”. [1. 93] (“ Бу кишилар қироличанинг итлари қўшилган чаналарни ҳайдаб, унинг душманлари қалбига қўрқув солишар, қиролича инъом этган озгина маошга қаноат қилиб, ўз ҳаётларидан мамнун эдилар. Улар кўпни кўрган, умрлари турли хил сарзугаштларга тўла эди-ю, аммо ўзлари бунга англашмас эди”). Мазкур парчадаги қиролича кишиларининг ҳаёти аслида метафорик асосда тасвирланган. Бу “They drove” (“минишарди”), “wrought fear” (“қўрқув солишарди”), “ate of her meager fare” (“арзимаган маош олишарди”), “were happy” (“хурсанд эдилар”), “had seen life” (ҳаётда кўп нарсани кўргандилар) каби жумлаларда намоён бўлади. Мазкур жумла мазмунида бир нечта кишиларнинг ҳаёти, характери, орзу-умиди қисқа ифодааланган. Ёзувчи улар ўз турмуш тарзидан рози ва асл ҳаётнинг турли қизиқарли жиҳатларини тушунмасдан, ҳазил-хузул, турли воқеаларни баён қилиш билан вақти чоғлик қилганча, қўрқув билмасдан яшашини тасвир орқали метафорик асосда шу муҳитга яқинлаштирган эди. Юқорида саналган жиҳатлар бундай кишиларни шафқатсиз муҳитнинг айнан қиёфадошига айлантирган эди. Муаллиф-ровий ана шуларни баён қилар экан, уларга ички ҳурмати борлигини шу тасвирда очиқ баён этган. “Бу ерда фикрнинг ўзиёқ метафориклик хусусиятига эга. У қиёслаш билан ўсиб боради ва шу ерда тилдаги метафора юзага чиқади” [4, 47]. Демак, олимнинг мазкур фикридан келиб чиқиб, Жек Лондон борлиқни идрок этиши ва уни ифодалаши, айнан метафорик асосга эга дейиш мумкин. Чунки ёзувчининг фикри ва унинг ҳикоядаги ровий нутқида ўсиб боришини кузатиш ўқувчида ўша даврни англаш, тасаввур қилиш, кўз олдига келтириш ва ниҳоят қайтадан баён қилишга тайёрлаш

имконини шакллантиради.

Тўғри, адабиётшуносликда метафорик фикрлаш тарзи қадимдан мавжуд бўлган ва унинг бадиий матндаги ўрни ҳақида кўплаб илмий-назарий мулоҳазалар, тадқиқотларни учратиш мумкин. Хусусан, Аристотель “Метафора – сўз маъносини ўзгартириш билан жанрдан турга ёки турдан жанрга кўчиши” дея қайд этади [5, 67]. Бу ерда бир шаклдаги асардан бошқасига маъно ўзгариб кўчиши ҳақида сўз юритилган бўлиб, метафора кенг маъноли тушунча эканлигини билдиради. Шу маънода метафора дастлаб ёзувчи англаган борлиқ ва уни ижодкор ботиний оламида бошқа бир нарсага ўхшатилиши ёки баъзан яқинлигини инобатга олиб бошқа бир маънони англатиши деб тушунилади. Бу эса метафорани дастлаб тафаккур тарзи, кейин эса ифода шакли сифатида олиш мумкинлигини билдиради. Масалан, Жек Лондон асарларида, жумладан, биз таҳлил қилаётган ҳикоясида метафора дастлаб ёзувчининг XIX аср иккинчи ярмидаги АҚШ жамиятининг тасвири яратувчи восита бўлиб келган. Бунда олтин васавасаси, бойлик орттириш илинжида оламнинг энг чекка ҳудудларида яшаган кишилар ҳаёти акс этган. Метафорик маънода қаҳратон қиш тасвири, аёвсиз, бешафқат шароит кишилар характери, ботиний оламинини ҳам англатган.

Ёзувчи чарчаган итлар орасида ўз ҳолатларидан, тўхтаб туришидан норозидек вазият юзага келгани, сўнгра етакчи итнинг илқис абзални таранг тортиб, куч билан чанани тортиши қолган итлар ҳам унинг ортидан эргашиши, чана эса куч билан олға интилгани ортидан ундаги кишиларнинг чарчоқлари унутилгандек бўлганини тамсвирилар экан метафорадан фойдаланади: “Gee! Gee!” the men cried, each in turn, as their sleds abruptly left the main trail, heeling over on single runners like luggers on the wind” [1, 92]. (– Ҳей, Ҳей! – чаналар йўлда кескин бурилганда одамлар тўхтовсиз қичқирдилар ҳамда гўё елканли қайиқ шамол таъсирида ёнбошга ётгандек энгашилди) Мазкур гапдаги “heeling over on single runners like luggers on the wind” жумласида чанани елканли кемага ўхшатиш асосида ясалган метафорадан фойдаланади. Бунда атрофдаги улкан музликлар, оппоқ қор улкан уммоннинг чексиз сувидек ялтираб турганини, унда итларнинг куч билан олға интилишлари ҳамда чана ағдарилиб кетмаслик учун кишиларнинг қарама-қарши томонга энгашишларини денгиздаги елканли қайиқчага ўхшатилади. Шу вазиятда кишилар ҳаракати ҳамда одамлар “ҳей”, “ҳей” дея қичқиришлари улар ровий-муаллиф ички оламида ҳам енгиллик, кўтаринкилик пайдо бўлгани кишилар тасвири орқали берилгани метафорик тасвирга руҳий параллелизм кўчганини ҳам билдиради. Демак, ёзувчи метафорик тасвир ва ифода орқали учинчи бир усул руҳий параллелизмни ҳам асарга киритган. Шу йўл билан ривоя тарзи ва ундаги шахсий эпик кечинмаси табиатидаги кўтарилишини ифодалаган. Кўринадики, қорли макон тасвиридан самарали фойдаланилган. Қаҳратон совуқ ва кўпчилик кишилар учун ёқимсиздек туюлган вазият, хусусан, қорли макон тасвирига метафорик асосда янги бадиий-эстетик вазифа, аниқроғи, кишилар қалбига фарахбахшлик, кўтаринкилик бағишлашини киритиш орқали ўқувчи қалбига бу совуқ ўлкаларга нисбатан илиқлик олиб киради.

Бундай хусусиятни Жек Лондоннинг **“To Build a Fire”** (“Ёнғин чиқариш”) асарида ҳам учратдик. Мазкур асарда ёзувчи қор билан қопланган дарахтларни қуйидагича таърифлайди: *“It was an unbrooken white, save for a dark hairline that surved and twisted from around the spuce-covered island to the south”* [3] (Қора қарағайлар билан қопланган бу

орол атрофидан жанубга қараган қора соч чизиғидан у ёғига одам қўли етмаган эди). Мазкур гапда ровий-муаллиф оролни дарахтзор билан қопланганини, у ердаги чизиқни одам бошидаги узун соч толасига ўхшатган. Натижада, дарахтзор ва одам ўртасидаги яширин яқинликни англаш мумкин. Шу ҳикоясида яна қалин қор остида яширинган музламайдиган булоқлар тўғрисидаги кишининг фикрлашини таърифланиши учун бошқа метафорадан фойдаланади: яъни «*They were trans*». Бундай ўхшатиш ҳикоя контекстида ўз мантиқни топади – агарда ўзига хушёр бўлмаган йўловчи шундай булоқларнинг устига қадам ташласа, у совуққа урдириш жараёни содир бўлишининг олдини олиш учун шу ерда тўхтаб, гулхан ёқиб, оёқларини қуритиши зарур бўлади. Хуллас, ёзувчи муаллиф-ровий образи ва унинг нутқидаги метафора орқали ҳикоянинг бадиийлигини кучайтиришга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. An Odyssey of the North. / The Son Of The Wolf By Jack London. – P.92-126. www.freeclassicebooks.com.
2. Cuddon, J. A. (John Anthony), A dictionary of literary terms and literary theory / J.A. Cuddon. – 5th ed. John Wiley & Sons Ltd . 2013. – p. cm. 432 . www.Atibook.ir
3. London J. To Build a Fire [Elektron manba]. URL: <https://www.gutenberg.org/files/910/910-h/910-h.htm>
4. Айвор А. Ричардс Философия риторики. Метафора. / Кассирер, Якобсон и др. Теория метафоры. Переводы под редакцией Н.Д. Арутюновой и М.А.Журинской. Москва.«Прогресс»1990. – 506 с. <http://medialib.pspu.ru>.
5. Аристотель. Поэтика. – Л.: Academia, 1927. – 124 с. www/platon.net.

INNOVATIVE
ACADEMY